



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2026 йил 26 март, № 58 (9229)

Пайшанба Сайтимизга Утиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАШАББУСЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев 25 март куни Тошкент халқаро молия марказини ташкил этиш, Рақамли технологиялар халқаро маркази фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда банк тизимида исломий молия механизмларини жорий қилиш бўйича такдимот билан танишди.

Жаҳондаги геосиёсий кескинлашув шароитида инвестицияларни жалб қилиш учун рақобат тобора кучайиб бормоқда. Юртимизнинг бой табиий ресурслари, иқтисодий салоҳияти ва ислохотлари эса бу борада катта устунлик яратмоқда.

— Кўпга халқаро компаниялар минтақавий хавф-хатарларни баҳолаб, янги бозорларни ўрганишни бошлаган. Бу биз учун тарихий имконият. Шу вазиятда фурсатни бой бермасдан, халқаро молия компанияларини ўзимизга тезроқ жалб қилишимиз шарт, — деди Президентимиз.

Жорий йилда 50 миллиард доллардан зиёд инвестиция жалб қилиш мақсадига эришиш учун инвесторларнинг Ўзбекистон бозорига киришини енгиллаштириш, уларга замонавий инфра-тузилма, халқаро стандартларга мос ҳуқуқий режим, қўшимча қулайликлар ва энг муҳими, ишончли ҳамда шэф-фоп бизнес муҳитини таъминлаш зарур.

Шу боис такдимотда мамлакатимиз инвестициявий жозибдорлигини янада оширишга қаратилган учта устувор йўналиш — халқаро молия ва рақамли технологиялар марказларини ташкил этиш ҳамда исломий молия хизматларини жорий қилиш масалалари кўриб чиқилди.

Тошкент халқаро молия маркази муҳокама қилинар экан, ушбу марказ янги турдаги инвестицияларни жалб қилиш ва барқарор иқтисодий ўсишнинг самарали воситаси бўлиши қайд этилди. Ҳисоб-китобларга кўра, 2030 йилгача молия маркази иқтисодиётга қўшимча 20 — 25 миллиард доллар жалб қилиш, ялпи ички маҳсулот

ўсишига ҳар йили қўшимча 1 фоизга ҳисса қўйиш, 15 мингтагача янги юқори малакали иш ўрни яратиш, 10 минг нафар мутахассис малакасини оширишга хизмат қилиши мумкин.

Марказ фаолияти учун махсус ҳуқуқий режим жорий этиш кўзда тутилган. Бунда Англия ва Уэльснинг умумий ҳуқуқи марказ тўғрисидаги қонунга зид бўлмаган даражада татбиқ қилинади, марказнинг бошқарув органлари ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қабул қилиш ваколатига эга бўлади, низоларни кўриб чиқишга иктиссослаштирилган Тошкент халқаро тижорат суди ва халқаро арбитраж маркази фаолияти йўлга қўйилади.

Марказ резидентлари учун капиталнинг эркин ҳаракати ва репатриацияси, эркин валюта операциялари, замонавий тўлов воситалари, жумладан, рақамли активлар билан ишлаш, имтиёзли солиқ режими, соддалаштирилган виза тартиби каби кенг имкониятлар яратилиши белгиланган. Молия-инвестиция ва банк фаолияти, сугурта, рақамли активлар, қимматли қўғозлар, тўлов тизимлари ва хизматлари, молиявий технологиялар билан боғлиқ хизматлар марказнинг асосий фаолият йўналишлари бўлади.

Иккинчи йўналиш — “Enterprise Uzbekistan” бренди остида Рақамли технологиялар халқаро марказини ташкил этиш ва ривожлантириш.

Такдимотда мазкур марказ учун 2100 йилга қадар амал қиладиган махсус ҳуқуқий режим назарда тутилгани маълум қилинди. Марказда тартибга солиш “қумдон” доирасида янги ечимларни синовдан ўтказиш, иш ҳақини хорижий валютада тўлаш,

халқаро меҳнат стандартларини жорий қилиш, шахсга доир маълумотларни халқаро стандартлар ва булутли технологиялар асосида қайта ишлаш мумкин бўлади. Интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш, инвестициялар, стартаплар ва экспорт учун қулай шароитлар яратилади, божхона ва солиқ бўйича енгилликлар берилади.

Сунъий интеллект технологиялари, рақамли трансформация, тадқиқот ва ишланмалар, сертифицилаштириш, стартаплар ҳамда маълумотлар марказлари ушбу марказ фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгиланмоқда.

Такдимотда 2030 йилгача мазкур марказ орқали 1 мингтагача компанияни жалб қилиш, 300 мингдан зиёд иш ўринлари яратиш ва 5 миллиард долларлик экспорт салоҳиятига чиқиш мақсади белгилангани айтилди. Бир қатор йирик халқаро технологик компаниялар ушбу ташаббусга қизиқиш билдиргани қайд этилди.

Учинчи йўналиш сифатида мамлакатимизда исломий молия хизматларини жорий қилиш масаласи кўриб чиқилди.

Юртимизда товарни насияга сотиш орқали миқдори молиялаштириш — муробаҳа, фойдани тақсимлаш шарт асосида миқдори молиялаштириш ёки пул маблағларини жалб этиш — музораба, вакиллик шартномаси орқали пул маблағларини бериш ёки жалб этиш — вақала, товарлар учун олинган ҳақ тўлаш орқали молиялаштириш — салам ва истисно, бир-галликдаги фаолият орқали миқдори молиялаштириш — мушорақа, мол-мулкни исломий ижарага бериш каби

операциялар, шунингдек, қонунчиликка зид бўлмаган бошқа исломий молия инструментларини жорий қилиш назарда тутилмоқда.

Бунда сотилган товар устамасига қўшилган қиймат солиғи ҳисобланмаслиги, инвестициявий омонатдан олинган даромад солиқдан озод қилиниши, исломий ижара шартномалари молиявий ижара ва лизингга тенглаштирилиши белгиланмоқда.

Соҳада тизимли бошқарувни таъминлаш мақсадида Марказий банк ҳузурида Исломий молия кенгаши ташкил этилади. Шунингдек, исломий молия хизматларини кўрсатувчи банкларда ҳам алоҳида кенгашлар тuzилади. Ушбу кенгашлар стандартлар ишлаб чиқиш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда кўмаклашиш, баҳсли масалаларга изоҳ бериш, шартномалар ва ички ҳужжатларни кўриб чиқиш, мувофиқлик устидан назоратни таъминлаш билан шугullanади.

Жорий йилда камида битта тижорат банкида исломий “дарча” фаолиятини йўлга қўйиш, 2026 — 2030 йилларда эса тўлиқ исломий банк фаолиятини амалга оширувчи иккита банк ташкил этиш режалаштирилган. Умуман, соҳадаги янгиликлар орқали 2026 — 2030 йилларда қўшимча 1 миллиард доллар миқдорида инвестиция ва депозитларни жалб қилиш имконияти яратилиши қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари мазкур уч йўналиш мамлакатимизда замонавий молиявий ва технологик экотизимни шакллантиришга хизмат қилишини таъкидлаб, уларни амалиётга татбиқ этиш ишларини жадаллаштириш юзасидан топшириқлар берди.

ТОЖИКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон 26-27 март кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф доирасида олий даражадаги музокаралар ҳамда Ўзбекистон ва Тожикистон етакчилари раислигида Олий давлатлараро кенгашнинг биринчи йиғилиши бўлиб ўтади.

Бўлажак тадбирлар кун тартибидан Ўзбекистон — Тожикистон дўстлик ва яхши кўшничлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари ўрин олган.

Сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий ва ҳудудлараро ҳамкорликни кенгайтириш, саноат кооперацияси ҳамда транспорт соҳасида ўзаро боғлиқликни ривожлантириш, сув ва энергетика

хавфсизлигини таъминлаш ҳамда кенг кўламли маданий ва гуманитар алмашинувларни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Давлат раҳбарлари халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар ҳамда кўп томонлама форматлар доирасидаги ҳамкорлик юзасидан фикр алмашдилар.

Шунингдек, бир қатор янги қўшма лойиҳаларни ишга тушириш кўзда тутилган, кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган икки томонлама ҳужжатларнинг салмоқли тўплами имзоланиши режалаштирилган.

ЎзА.

Ўзбекистон ва Тожикистон:

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР САРИ ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

Мажозий маънода айтганда, ўзбек ва тожик халқлари — бир дарахтнинг икки шохи. Биз умумий тақдир бирлаштирган халқлармиз. Аждодларимизнинг эзгу аъёнларини давом эттириб, дўстлигимизни мустаҳкамлаш ҳамда ҳимоя қилиш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор мақсадларидан бири ҳисобланади.

Дўстлик ришталари

“Икки тилда сўзлашувчи бир халқ” сифатида тавсифланган ўзбек ва тожик халқларини умумий тарих, маданият ва маънавий қадриятлар, кўп асрлик ўзаро ҳурмат аъёнлари бирлаштиради. Бу яқинлик Ўзбекистон ҳамда Тожикистон ўртасидаги муносабатларда мустаҳкам асос вазифасини бажармоқда.

2016 йилдан бошлаб икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар янги босқичга чиқди. Давлатимиз раҳбарининг қўшни мамлакатлар билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган оқилона сиёсати Марказий Осиёда барқарорликни таъминлаш, ўзаро савдо алоқаларини ривожлантириш, энергетик

ресурслардан самарали фойдаланиш учун кенг имкониятлар яратди. Хусусан, Тожикистон билан ўзаро алоқалар чинакам стратегик шериклик ва иттифоқчилик даражасига кўтарилди.

Ўзаро ишончга асосланган ҳамкорлик

Бугунги кунда давлатлараро мулоқот характери Президентлар ўртасида қарор топган ўзаро ишончга асосланади. Бу жиҳат мамлакатлар етакчиларининг норасмий муносабатларида, бири-бирига “менинг азиз биродарим” дея муомала қилганида ҳам намоён бўлади.

➔ 3

НЕФТЬ-ГАЗ СОҲАСИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёевга нефть-газ тармоғида қазиб чиқариш ҳажмини барқарорлаштириш ва янги захираларни ўзлаштириш бўйича чора-тадбирлар ижроси юзасидан ҳисобот берилди.

“Ўзбекнефтгаз” тизимида табиий газ қазиб чиқариш динамикаси, мавжуд пасайиш омиллари ҳамда уларни қоплаш бўйича қўрилаётган чоралар ҳақида ахборот берилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида янги қудуқларни ишга тушириш, мавжудларини таъмирлаш ва технологик тадбирларни амалга ошириш ҳисобига қўшимча ҳажмлар таъминлангани, йил давоми-

да эса бу борадаги ишлар янада кенгайтирилиши режалаштирилгани қайд этилди.

Қудуқлар самарадорлигини ошириш учун замонавий технологияларни жорий қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳозирда янги “2D” ва “3D” сейсмик тадқиқотлар учун истиқболли майдонлар аниқланмоқда. Бургилаш ва дала ишлари устидан халқаро стандартлар

асосида назоратни кучайтириш мақсадида супервайзинг тизимини йўлга қўйиш, геологик-гидродинамик моделлаштириш ва қазиб чиқариш дастурларини янада пухта шакллантириш бўйича чоралар белгиланган.

Қонларда газ қазиб олиш коэффицентини ошириш, қийин ўзлаштирилаётган захираларга янги ёндашувларни татбиқ этиш, 2026-

2027 йилларга мўлжалланган дастурларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди. Бу борада халқаро компаниялар билан ҳамкорликда тегишли ишлар олиб борилаётгани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари тармоқда ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлаш, мавжуд қувватлардан самарали фойдаланиш, геология-қиди-

рув ва бургилаш ишларини тизимли ташкил этиш, шунингдек, хорижий ҳамкорлар билан амалий натижа берадиган шерикликни кенгайтириш муҳимлигини таъкидлади.

Мутасаддиларга белгиланган режалар ижросини қаттиқ назоратга олиш ва ҳар бир йўналиш бўйича аниқ натижадорликни таъминлаш юзасидан топшириқлар берилди.

ЎзА.

Муносабат

КЕЛАЖАК ҚИЁФАСИ ЯРАТИЛАЁТГАН МАКОН

Янги Тошкентда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичга кўтарилганини яққол намоён этмоқда. Бу ерда тикланаётган замонавий футбол стадиони, мусиқали фаввора мажмуаси ҳамда “Буюк Ипак йўли” лойиҳалари нафақат йирик қурилиш объектлари, балки Янги Ўзбекистоннинг эртанги қиёфасини белгилайдиган муҳим ташаббуслардир.

Авалло, бу ерда бунёд этилаётган стадион лойиҳаси ҳақида тўхталсак. Мамлакатимизда спортга, айниқса, футболга эътибор мутлақо янги босқичга чиққан: сўнгги йилларда бу борада амалга оширилган ислохотлар, майдонлар сонининг кўпайгани, мактаб стадионларининг таъмирлангани, ёшлар ўртасидаги турнирлар тизимининг йўлга қўйилгани бугун ўз самарасини бермоқда. Мамлакатимиз олимпия терма жамоасининг тарихда илк бор Олимпиадада иштирок этгани, миллий терма жамоамизнинг жаҳон чемпионати йўлнамасини кўлга киритгани узоқни кўзлаб олиб борилган сиёсат натижасидир.

➔ 2

ЎЗБЕК ФУТБОЛИ РИВОЖИДА МУҲИМ ЛОЙИҲА



Янги Тошкентда барпо этилаётган замонавий футбол стадиони ФИФА талабларига мос равишда қурилмоқда.



100 миллион долларлик ушбу мажмуа Осиёдаги энг йирик ва замонавий инфратузилмага эга футбол майдонларидан бири бўлади.



55 000 томошабинга мўлжалланган Янги Тошкент стадиони 6 қаватли бўлиб, унда спортчилар, ташриф буюрувчилар ва матбуот ходимлари учун кенг қулайликлар яратилади.



3 та қўшимча машғулот майдони бўлади.



5 Стадион яқинида метро бекати барпо этилади.



5 500 ўринли автотурагоҳ қурилади.

Ҳисобот

САРМОЯВИЙ МУҲИТ ЯНАДА ЯХШИЛанади

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси мажлисида Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг 2025 йилдаги фаолияти юзасидан ахбороти эшитилди.



Унда сенаторлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг доимий комиссиялари аъзолари, вазирликлар ва идоралар вакиллари, экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Йиғилишда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг ҳисобот даври давомида инвестицияларни жалб этиш, саноатни ривожлантириш ва ташқи савдонинг кенгайтириш борасида амалга оширилган ишлари муҳокама қилинди.

Маълумотларга кўра, ўтган йилда мамлакат иқтисодиётида 43,1 млрд. долларлик хорижий инвестициялар ўзлаштирилди, белгиланган режа 103 фоизга бажарилган ҳамда 2024 йилдагига нисбатан 1,2 баробар ўсиш таъминланган. Инвестициявий салоҳияти юқори ҳамкор давлатлар сифатида Хитой, Россия, Туркия, Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликлари кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, 2026 йилда хорижий инвестицияларни ўзлаштириш ҳажмини 50 млрд. долларгача етказиш ва 2,3 мингга яқин янги лойиҳаларни ишга тушириш режалаштирилгани маълум қилинди.

Сўзга чиққанлар қурилиш, қишлоқ хўжалиги, қурилиш материаллари, тоғ-кон ва кимё саноати, рақамли технологиялар каби соҳалар юқори ўсиш суръатларига эришганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Мажлисида давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 26 декабрдаги Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, инвестиция муҳитини янада яхшилаш, ҳусусий сектор улушини ошириш, саноат тармоқларини чуқур қайта ишлашни кенгайтириш, маҳаллийлаштиришни кучайтириш, юқори қўшилган қўйимли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда экспортни диверсификация қилиш зарурлиги таъкидланди.

Сенаторлар инвестицияларни жалб этиш самарадорлигини янада ошириш, саноатни диверсификация қилиш, экспорт географиясини кенгайтириш ҳамда тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ таклиф ва тавсияларини билдирди.

Муҳокама якуни бўйича қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

КЕЛАЖАК ҚИЁФАСИ ЯРАТИЛАЁТГАН МАКОН

Шу маънода, 55 минг томошабинга мўлжалланган Янги Тошкент стадиони ҳам халқимизнинг спорт соҳасидаги юксак марраларига хизмат қиладиган тарихий мажмуа бўлади. Энг муҳими, бу стадион 2027 йилда Ўзбекистон ва Озарбайжонда ўтказиладиган 20 ёшгача бўлганлар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг нуфузига ҳам муносиб ҳисса қўшади.

Бугунги замонавий шаҳарларда жамоат маконлари одамларнинг нафақат ҳордиқ чиқариши, балки эстетик завқ олиши, маданий тадбирларда иштирок этиши учун ҳам хизмат қиладди. Шу нуқтаи назардан, яна бир

муҳим лойиҳа — худудда барпо этиладиган мусиқали фаввора мажмуасидир. Бу лойиҳа замирида шаҳарсозликка янгича ёндашув муҳассам. Яъни энди инфратузилма фақат бино ва йўллар билан чекланмайди, балки одамлар учун қўлай, эстетик ва замонавий яшаш муҳитини яратишга хизмат қиладди. Президентимиз томонидан бу ерда савдо, овқатланиш ва сервис хизматларини сифатли ташкил этиш зарурлиги таъкидлангани ҳам бежиз эмас. Чунки ҳар қандай йирик маскан атрофида одамлар учун қўлай ва мукамал муҳит шаклланишига у ҳақиқий жамоат марказига айланади.

Шунга ҳамоҳанг равишда барпо этилаёт-

ган "Буюк Ипак йўли" лойиҳаси эса Янги Тошкентнинг маънавий ва маданий салоҳиятини юксалтиришга қаратилган муҳим ташаббуслардан. Майдони 32 гектар бўлган ушбу мажмуа нафақат тураржой ва тижорат объектларини, балки маданият, таълим ва тарихий хотирани ўзида муҳассам этган йирик макон сифатида кўзда тутилмоқда. Айниқса, Буюк Ипак йўли билан боғлиқ цивилизацияларга бағишланган мавзули маҳаллалар ташкил



этилиши бу масканга бетакрор руҳ ва мазмун бағишлайди.

Муҳими, бу ташаббусларнинг барчаси инсон манфаатига хизмат қиладди. Улар халқимиз учун қўлай ҳаётини муҳит яратиш, ёш авлодга кенг имкониятлар очиб, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини янада оширишга қаратилган билан алоҳида аҳамиятлидир.

Одилжон МАМАТКАРИМОВ, Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

СОҒЛОМ, ФАОЛ ВА КУЧЛИ ЖАМИЯТ АСОСИ

Бугунги кунда жисмоний тарбия ва спорт соҳасига нафақат соғлом турмуш тарзини шакллантирувчи омил, балки мамлакат тараққиётини таъминловчи стратегик йўналиш сифатида қаралмоқда. Янги таҳрирдаги "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши ҳам айнан шу эҳтиёж ва замон талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилди.

Мулоҳаза

Мамлакатимизда мазкур соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлат томонидан ажратилаётган маблағларнинг кескин оширилиши, спорт инфратузилмасининг кенгайтирилиши ва оммавий спорт ҳаракатларининг йўлга қўйилиши бунинг яққол исботидир. Айниқса, маҳаллалар кесимида спортни оммалаштириш, ёшлар ва хотин-қизларни кенг жалб этиш орқали жамият саломатлигини мустаҳкамлашга эришилмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, амалдаги "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонун 2015 йилда қабул қилинган бўлиб, бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермай қолган эди. Хусусан, унда сўнгги йилларда соҳада амалга оширилган туб ислохотлар — оммавий спорт, ўқувчилар ва талабаларни спортга жалб этиш, уларни

тайёрлаш ва саралаб олиш тиҳани назарда тутилмаган эди. Шунингдек, спорт турларини эътироф қилиш, спорт федерацияларини реестрга киритиш тартиби, келишилган ўйинларга қарши курашиш каби масалалар ҳам тартибга солинмаган.

Бундан ташқари, тренер, спорт ҳақами, спорт агенти ва бошқа соҳа мутахассислари, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитасининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари белгиланмаган, шунингдек, сурдлимпия, махсус олимпия, кўзи оғизлар спорт ва бошқа адаптив спорт турларини ташкил этиш тартиби, мақсад ва вазифалари амалдаги қонунда ўз аксини топмаган эди. Шу боис қонунчиликдаги айнан бу каби бўлиқларни тўлдирish мақсадида янги таҳрирдаги қонун қабул қилишга эҳтиёж туғилди.



Аввало, ушбу қонунда оммавий спортни ривожлантиришга алоҳида уруғ берилган. Эндликда аҳолини спортга жалб этиш тизимли равишда ташкил қилиниб, оммавий мусобақалар ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиши белгилаб қўйилди. Бу эса жисмоний фаолликни ошириш орқали аҳоли саломатлигини яхшилашга кенг йўл очади.

Яна бир муҳим жиҳат — спорт турларини эътироф этиш ва уларни ривожлантиришнинг аниқ мезонлари ҳам белгилаб қўйилмоқда. Бу орқали спорт федерациялари фаолияти тартибга солиниб, соҳадаги тизимликка эришилади.

Қонунда спортда ҳалолликни таъминлашга қаратилган нормалар ҳам алоҳида ўрин эгаллаган. Хусусан, мусобақа натижаларига ноқонуний таъсир кўрсатишга қарши қатъий чоралар белгиланганки, бу спортнинг адолатли ва шаф-

фоф бўлишига эришишда муҳим омил бўлиши, шубҳасиз.

Қонуннинг яна бир устувор жиҳати — спорт соҳасидаги мутахассисларнинг ҳуқуқий маконининг белгилангани. Тренерлар, ҳақамлар ва спорт агентларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ кўрсатилиши амалиётдаги қўллаб-қувватловчи бартафари бўлади.

Мазкур ҳужжатда иш берувчиларнинг ходимлар учун спорт билан шуғулланишга шaroит яратиш мажбурияти ҳам белгиланди. Бу эса соғлом ишчи муҳитини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Янги таҳрирдаги мазкур қонун жисмоний тарбия ва спорт соҳасини мутлақо янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилибгина қолмай, балки соҳадаги барча иштирокчиларнинг масъулияти ва ваколатларини аниқ белгилаб беради ҳамда ҳуқуқий бўлиқларни бартафари эътиҳад муҳим омил бўлади. Асосийси, ушбу қонунни қабул қилиш орқали биз соғлом, фаол ва кучли жамиятни барпо этиш йўлида салмоқли қадам қўйган бўлаемиз.

Муножаз ЙЎЛЧИЕВА, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.

Семинар

АСРИЙ АНЪАНАЛАРГА УЙҒУН ЁНДАШУВ

Пойтахтимизда хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ислом қадриятларининг ўрнига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Орзугул Қозихонова, давлат органлари вакиллари, имом-хатиблар, маҳалла етакчилари ҳамда Мисрдаги Ал-Азхар университети профессорлари иштирок этди.

Мулоқот давомида исломнинг асл қадриятлари — адолат, кадр-қимнат ва ҳурмат таъминлиги асосида жамиятда ижобий ўзгаришларни таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Сенатор ўз чиқишида хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлашда диний ва миллий қадриятларни уйғунлигини мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаб ўтди.

Семинар доирасида аёллар ҳуқуқларини таъминлаш, хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш, репродуктив саломатлик, оилани режалаштириш, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий имкониятларини кенгайтириш ҳамда самарали мулоқот ва маслаҳат бериш йўналишлари бўйича долзарб масалалар атрофида кўриб чиқилди.

«Халқ сўзи».

ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒ, ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ УСТУВОР

Аввал хабар қилинганидек, шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари худудларда бўлиб, аҳолини ўйлантираётган масалаларга ечим топиш, амалга оширилаётган ислохотлар натижаларини ўрганиш мақсадида сайловчилар билан мулоқот қилишмоқда. Фуқаролар мурожаатлари ва уларнинг ечимига алоҳида эътибор қаратилиб, олиб борилаётган ишлар таҳлилдан ўтказилмоқда.

Депутатлар — худудларда

Кўрсатилаётган хизматлардан аҳоли мамнун

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Сайёра Имомова Тахитатош туманидаги 4-мактабда бўлиб, инклюзив таълим фаолиятини ўрганиш, махсус педагоглар билан мулоқот қилди.

Учрашувда кейинги йилларда мамлакатимизда инклюзив ўқувчи ривожлантириш, алоҳида эҳтиёжманд болаларга таълим-тарбия бериш тизимини такомиллаштириш ҳамда уларга курсатилган хизматлар сифатини яхшилаш бўйича қатор ишлар амалга оширилаётгани қайд этилди.

Депутат инклюзив синфлар, жумладан, махсус жиҳозлар, ўқув қуроллари билан таъминланиш ҳолати, инклюзив таълим олаётган ўқувчиларга яратилган шaroитлар билан яқиндан танишиб, ўқув сифатини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар берди.

Кейинги манзил — тумандаги оилавий поликлиника бўлди. Халқ вакили аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати билан яқиндан танишиб, тиббиёт ходимлари билан мулоқот қилди.

Маълум бўлишича, ушбу тиббиёт муассасасида замонавий лаборатория фаолияти ташкил этилган. Худуд аҳолиси учун барча зарур тиббий таҳлилларни шу ернинг ўзида, тезкор ва аниқ амалга ошириш имконияти яратилган.

Бу эса касалликларни эрта босқичда аниқлашда муҳим омил бўлмоқда. Депутат тиббиёт масканининг техник имкониятлари ва дори-дармон таъминотини ҳам кўздан кечириди. Шифокорлар билан суҳбатда аҳолининг тиббий хизматдан розилиги соҳадаги ислохотларнинг бош мезони экани таъкидланди.

Ўрганишларда қандай масалалар кўтарилди?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дилмурод Исмоилов На-

манган вилоятининг Давлатобод тумани маҳаллаларида ўрганишлар олиб бориб, аҳолини қийнаётган муаммолар билан бевосита жойида танишди.

Депутат дастлаб "Орзу" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлди. Орзу кўчасидаги катта йўл ёқасида сув тўпланиши натижасида асфальт қопламаси емирилгани, шу кўчада жамоат транспорт учун бекат ўрнатилмагани аниқланди.

"Давлатобод" маҳалла фуқаролар йиғинида яна бир муҳим масала ўз ечимини кутмоқда. Тумандаги маиший иситиш тизими учун дастгоҳ олиб келинган бўлса-да, қувурлар тўлиқ уланмасдан ташлаб қўйилган.

Мазкур маҳаллада ижара уйда яшайётган фуқаро Мавлудхон Нуриддинова депутатга мурожаат қилиб, ногиронлиги бўлганлиги сабабли доимий уй-жой билан таъминлаш ва даволанишга кўмак беришни сўради. Мурожаат халқ вакили томонидан назоратга олинди.

Шунингдек, "Елихон" МФИда ўрганиш ишлари давом эттирилди. Маҳаллада 3100 нафар аҳоли истиқомат қилса-да, болалар учун ўйин майдончаси мавжуд эмас.

Депутат худуддаги 51-мактабга таълим ташкилоти ва 91-умумтаълим мактабида ҳам ўрганиш олиб борди. Ҳар иккала таълим муассасасида ўқув дарсликларини етишмовчилиги қайд этилди. Мактабнинг иситиш тармоғида фильтер ўрнатилмагани сабабли аҳоли ҳаво ифлосланишидан шикоят қилаётгани ҳам маълум бўлди.

Ўрганиш якунида аниқланган барча муаммолар бўйича масъул идоралар иштирокида аниқ вазифалар белгиланди, ижроси назоратга олинди. Депутат аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида бундай сайёр ўрганишлар давом эттирилишини таъкидлади.

Таъмирталаб ҳолатдаги спорт зали назоратга олинди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати — Азизбек Акбаров ва Улуғбек Қобулов Андижон вилоятининг Шахрихон туманидаги 39-умумтаълим мактабда ўрганишлар олиб борди.

Учрашувда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, жумладан, Қонунчилик палатаси фаолияти, қонун ижодкорлиги йўналишида олиб борилаётган ишлар тўғрисида маълумотлар берилди.

Шунингдек, таълим муассасасида ёшларнинг сифатли таълим олиши учун яратилган шaroитлар кўздан кечирилди. Суҳбат чоғида мактаб маъмурияти томонидан таъмирталаб ҳолатдаги спорт залини реконструкция қилиш бўйича мурожаат кўтарилди.

Халқ вакиллари мазкур масалани ўз назоратига олиб, тегишли муассасиди ташкилотлар билан биргаликда бу муаммони ҳал этиш чораларини кўришини билдирди.

Ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар доимий равишда депутат назоратида бўлиши айтилди.

Мулоқотлар тизимли давом этади

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулчехра Жўраева Сўх туманидаги "Ровон" маҳалла фуқаролар йиғини аҳоли вакиллари билан учрашиб, уларнинг мурожаатларини тинглади.

Учрашув давомида маҳалла аҳолиси томонидан кўтарилган ичимлик суви билан боғлиқ масала депутат иштирокида жойига чиққан ҳолда ўрганилди. Ушбу муаммони бартафари этиш бўйича мутасадди ташкилотлар билан биргаликда амалий чоралар кўриш юзасидан келишувга эришилди.

Депутат аҳоли томонидан кўтарилган муаммоларини аниқлаб, уларни маҳаллий ижро ҳокимияти органлари билан биргаликда жойида ҳал этиш чораларини кўриш юзасидан таклифлар берди.

Халқ депутатлари Сўх тумани Кенгашида бўлиб ўтган учрашувда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш бўйича қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, жойларда маиший коррупцияга қарши курашиш борасидаги амалий ишлар юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, туман ва шаҳар микр-

сидаги ташкилотлар — таълим, кадастр, тиббиёт, бандлик каби соҳаларда коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолати билан танишиш масалалари кўриб чиқилди.

Аҳоли билан мулоқотлар жараёнида соҳалардаги маъмурий ва бюрократик тўсиқларни бартафари этиш, коррупцияга шaroит яратиш берувчи омилларнинг олдини олиш бўйича фуқароларнинг таклифларини ўрганиш лозимлиги айтилди.

Депутат коррупцияга сабаб бўлувчи шарт-шaroитларни чуқур таҳлилдан ўтказиш, уларни бартафари этишга маҳаллий Кенгаш депутатларини кенг жалб қилиш ҳамда бу борада тизимли мулоқотлар ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

Таълим ва амалиёт уйғунлиги

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ойбек Раҳимов Бухоро туманидаги 2-техникумда бўлиб, у ерда жорий этилган сув тежовчи инновацион технологиялар, таълим жараёни ва талабалар учун яратилган шарт-шaroитлар билан танишди.

Хусусан, ахборот-ресурс маркази, мавжуд тўғаракларда ўқувчилар томонидан турли буюмлар ишлаб чиқариш жараёни ҳамда ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш усулларига алоҳида эътибор қаратилди.

Депутат техникум фаолиятини янада такомиллаштириш, замонавий технологияларни кенг жорий этиш ва бозор талабларига мос мутахассислар тайёрлаш юзасидан тавсиялар берди.

Шундан сўнг халқ вакили "Бухоро-суватъминоти" АЖ Бухоро тумани филиали "Марказий сув иншооти" фаолияти билан танишди. Ҳозирги вақтда мазкур иншоот худудига 3000 га яқин хонадонларни тоза ичимлик суви билан таъминлаб келмоқда.

Мулоқот чоғида депутат аҳолининг тоза ичимлик сувига эҳтиёжини узуксиз қондириш, соҳада энергия тежамкорлигини кенг жорий этиш, айниқса, қайта тикланувчи энергия манбаларидан ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича тарғибот ишларини кучайтириш бўйича таклифлар берди.

Ҳар бир мурожаат эътиборда

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мавлуда Ибрагимова Фаро-

Ижтимоий тармоқларда 5 миллиондан ортиқ кузатувчилари бўлган 50 нафар хорижий блогерга Ўзбекистонга келиш учун етти кунлик бепул турпакед тақдим этилади.

Ўзбекистон ва Тожикистон:

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР САРИ ДАДИЛ ҚАДАМЛАР



1 Мана шу самимият сўнги йилларда Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги муносабатларнинг оддий яхши қўшничиликдан ташқарига чиқиб, институционал мустахкамланишига ва сиёсий жиҳатдан юқори даражадаги шериклик шаклини олишига сабаб бўлди. Бу ўзгаришнинг энг муҳим белгиси 2025 йил 31 мартда Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг кучга кириши бўлди.

Иқтисодий яқинлашув алақачон барқарор тенденцияга айланган. Иккинчидан, ўсиб бораётган савдо ҳажми хали ҳам катта салоҳият мавжудлигидан далолат беради.

Статистика яна бир муҳим жиҳатни тасдиқлайди. 2025 йилда Ўзбекистон 11,1 фоиз улуш билан Тожикистон экспортининг асосий бозорларидан бирига айланган. Бу Ўзбекистон Тожикистон учун нафақат қўшни, балки унинг ташқи иқтисодий алоқаларида амалий устунга айланаётганининг далилидир.

Савдо ҳажмининг ўсишига қарамай, мавжуд кўрсаткич хали мамлакатларимизнинг иқтисодий салоҳиятини тўлиқ акс эттирмайди. Мазкур ҳолат нафақат товарлар ҳажми, балки уларнинг таркиби масаласидир. Ҳозирги вақтда хомашё, озиқ-овқат ва нефть маҳсулотлари, саноат ҳамда истеъмол товарлари икки томонлама савдода муҳим ўрин тутди.

Шу маънода, кейинги босқичнинг асосий мақсади савдо айланмасини механик равишда ошириш эмас, балки унинг сифатини яхшилашдир. Бундай нуктага назар 2025 йил июнь ойида Тошкент халқаро инвестиция форумида Президентимизнинг Тожикистон Республикаси Бош вазири Кохир Расулзода билан мулоқотида очик ифодаланган эди.

Энди саноат, энергетика, электротехника, тўқимачилик ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида ҳамкорлик лойиҳалари амалга оширилди. Шу боис янги иқтисодий шериклик кун тартибини ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланди.

Сўнги йилларда Ўзбекистон — Тожикистон муносабатларида саноат ҳамкорлигини қизқичқинроқ ошиши тасдиқ эди. Авваллари икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар, асосан, транзит, чегара масалалари ва савдонинг либераллаштиришига қаратилган бўлса, эндиликда қўшма ишлаб чиқариш, инвестициялар ва тармоқлар орасидаги алоқалар муҳим аҳамият касб этди.

2024 йил апрель ойида Душанбеда бўлиб ўтган Тожикистон — Ўзбекистон инвестиция бизнес форуми ушбу жараёнинг бошланиш нуктаси бўлди, дейиш мумкин. Форумда 600 дан ортиқ бизнес ва ҳукумат вакиллари иштирок этиб, ҳамкорликнинг стратегик даражасини таъкидлади. Шу йили Зарафшон дарёсида иккита гидроэлектростанция қуриш бўйича қўшма лойиҳа бошланди. Бу лойиҳа энергия инвестицияларидан ташқари, сув ва энергетика масалаларига ёндашувнинг ўзгарганини аниқлади. Илгари рақобат манбаи бўлган ресурс энди қўшма капитал ва умумий манфаатлар учун марказга айланмоқда.

Тожикистон Президентининг 2025 йил март ойидаги расмий баёнотида Ўзбекистон — Тожикистон савдо-иқтисодий ҳамкорлигини мустахкамлаш натижасида “Сўғдметалл” металлургия корхона-



С. Айнини Тожикистон давлат техника университети ректори, академик.

зиғи, янги имкониятлар ва интеграция учун макон экани таъкидланди. Ушбу тенденция туризм йўналишида ҳам яққол кўриниб турибди. Хусусан, 2025 йил апрель ойида Хўжанда бўлиб ўтган минтақавий туризм форумида “Фарғона водийсининг олтин сайёҳлик халқаси” ва “Наврўз — Марказий Осиёнинг юрагида” каби қўшма йўналишлар муҳокама қилинган. Гарчи бу йўналишлар Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистонни боғласа-да, амалда улар ўзбек — тожик гуманитар ҳамкорлигини чуқурлаштиради.

Улар тарихий меросни биргаликда тарғиб қилиш, кичик бизнесни жалб этиш ва чегара ҳудудларини иқтисодий жиҳатдан жонли зоналарга айлантириш имкониятини беради. Шу маънода, бугунги кунда маданий ва гуманитар алоқалар нафақат рамзий, балки амалий мақсадга ҳам хизмат қилади. Улар ишончини институционал босқичдан ижтимоий даражага ўтказди.

Ўзбекистон — Тожикистон ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамкорликда ижобий тенденция кучаймоқда. Бу ҳақда сўз кетганда, қуйдаги рақамларга эътибор қаратиш керак: Ўзбекистонда тожик миллатига мансуб 1,5 миллион фуқаро истиқомат қилади. Ундан ортиқ маданият марказларини бирлаштирган Республика тожик миллий маданий маркази фаолият юротади. Самарқанд, Термиз, Фарғона давлат университетларида тожик тилида маъшулотлар олиб борилади. 245 та мактабда ўқитиш тожик тилида юритилади, ушбу тилда 4 та даврий нашр, ўндан зиёд теле ва радиодастурлар тайёрланмоқда.

2018 йили Тожикистон Президенти Эмомалӣ Раҳмоннинг Душанбедаги “Ешликнинг 50 йиллиги” истироҳат боғини “Низомиддин Алишер Навоӣ” деб қайта номлаш тўғрисидаги фармойиши қабул қилинди. Самарқанд шаҳрида икки халқнинг буюк вакиллари — Алишер Навоӣ ва Абдураҳмон Жомий-

га ёдгорлик ўрнатилган. Бугунги кунда Тожикистоннинг Сўғд вилоятида Ўзбек маънавияти ва маърифати маркази ҳамда “Вилоят ўзбеклар жамияти” фаолият кўрсатиб, ўнга яқин босма нашрлар чоп этилмоқда, битта хусусий телеканал эфирга узатилмоқда. Бундан ташқари, Сўғд вилоятининг Спитамен туманида Шуқур Бурхоннов номидаги театр мавжуд бўлиб, республикада ўзбек тилидаги репертуарни ўз ичига олган ягона маскан ҳисобланади.

2019 йилдан буюн Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Тожик миллий маданий маркази ва Тожикистон Республикасидаги Ўзбек миллий маданий маркази ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида “Ўзбекистон — Тожикистон” дўстлик жамияти фаолият юритмоқда.

Ректорлар форуми — муҳим мулоқот майдони

Ўз навбатида, икки мамлакат олий таълим муассасалари ректорларининг форуми ўтказилиши ҳам ҳамкорликка янги раҳна беришга ҳам шундаки, 13 март кунини Душанбе шаҳрида Ўзбекистон ва Тожикистон олий таълим муассасалари ректорларининг III форуми бўлиб ўтди. Мазкур нуфузли тадбир икки мамлакат ўртасида таълим, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ҳамкорликни янада мустахкамлашга хизмат қилувчи муҳим мулоқот майдонига айланган.

С. Айнини номидаги Тожикистон давлат педагогика университетида бўлиб ўтган ушбу йирик анжуман доирасида икки давлат олий таълим тизимини амалга оширишда имлохотлар, илмий тадқиқотлар ҳамда инновациялар ривожланиш масалалари муҳокама қилинди.

Дарҳақиқат, сўнги йилларда давлатлараро олий таълим ҳамкорлиги изчил ривожланиб бораётди. 2018 йилда икки давлат ҳукуматлари ўртасида олий таълим ва илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланиши ушбу йўналишдаги алоқаларни янги босқичга олиб чиқди дейиш мумкин. Бугунги кунда икки давлат олий таълим муассасалари ўртасида юздан ортиқ ҳамкорлик шартномалари ҳамда меморандумлар амал қилмоқда. Шунингдек, қўшма таълим дастурлари доирасида талабалар тайёрланмоқда, академик алмашинув изчил ривожланмоқда.

Ўқорида тилга олинган йўналишлардаги изчил шериклик пировардида икки томонлама ҳамкорлигини янада бойитиб боришда муҳим роль ўйнамоқда. Икки мамлакатда миллий диаспораларнинг мавжудлиги халқ дипломатиясини ривожлантиришда мустахкам асос бўлиб хизмат қилади, бу эса, шубҳасиз, Ўзбекистон ва Тожикистон давлатларининг янада яқинлашувиغا катта ҳисса қўшади.

Садритдин ТУРОБЖОНОВ, Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ректори, академик.

Муносабатларнинг бурилиш нуктаси

Давлатларимиз ўртасидаги муносабатлардаги энг сезиларли ўзгаришлардан бири савдо кўрсаткичларида яққол кўриниб турибди. 2017 йилда икки томонлама савдо ҳажми 70 млн. долларни ташкил этган бўлса, 2020 йилда у биринчи марта 500 млн. долларга етди. Ушбу рақамлар икки мамлакат ўртасидаги муносабатлардаги бурилиш нуктасини аниқ акс эттиради. 2025 йил натижалари бу тенденция тўхтамаганлигини кўрсатиб, аксинча, у кучайган. Савдо ҳажми 718,3 млн. долларга етди.

Демак, тўққиз йилда 10 баробар ўсиш кузатилди. Бу рақамлар шунчаки статистика эмас. Улар иккита муҳим ҳулосага ишора қилади. Биринчидан, Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги

“Давлатларимиз ўртасидаги муносабатлардаги энг сезиларли ўзгаришлардан бири савдо кўрсаткичларида яққол кўриниб турибди. 2017 йилда икки томонлама савдо ҳажми 70 млн. долларни ташкил этган бўлса, 2020 йилда у биринчи марта 500 млн. долларга етди. Ушбу рақамлар икки мамлакат ўртасидаги муносабатлардаги бурилиш нуктасини аниқ акс эттиради. 2025 йил натижалари бу тенденция тўхтамаганлигини кўрсатиб, аксинча, у кучайган. Савдо ҳажми 718,3 млн. долларга етди.”

сининг ташкил этилгани маълум қилинди. Бу мисоллар шунинг аниқлигини, ҳамкорлик оддий ўзаро олди-сотидан қўшма ишлаб чиқаришга ўтмоқда. Таҳлил нуктага назардан, бу энг муҳим ўзгаришдир. Чунки қўшма корхоналар ва умумий инфратузилма пайдо бўлганда муносабатлар сиёсий жараёнларга қамроқ боғлиқ бўлиб қолади, иқтисодий манфаатлар эса уларни узоқ муддатга мустахкамлайди.

Шу тариқа Ўзбекистон ҳамда Тожикистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик янги босқичга кўтарилаётганини ва бу жараёнинг келажаги учун муҳим аҳамиятга эга эканини кўрсатади. Саноат ҳамкорлигини ривожлантириш, инвестицияларни жалб қилиш ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш орқали икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни янада мустахкамлаш мумкин.

Чегаралар муаммо эмас, ресурс

Дарвоқе, икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни тўлиқ тушуниш учун транспорт ва чегара масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Сўнги йилларда ушбу муносабатлар контекстида энг муҳим ўзгариш, чегараларни муаммо сифатида эмас, балки ресурс ўрнида қабул қилишга қаратилган парадигма ўзгаришининг пайдо бўлишидир.

Гуманитар алоқаларни чуқурлаштириш йўлида

Икки томонлама муносабатларнинг мустахкамлиги нафақат Президентлар учрашувлари ёки расмий мулоқотлар, балки оддий аҳоли даражасидаги алоқаларнинг барқарорлиги билан ҳам ўлчанади. Шу нуктага назардан, ўзбек — тожик муносабатларининг маданий-гуманитар жиҳати сиёсий ишончини жамият даражасига ўтказадиган асосий механизмлардан биридир.


2025 йил март ойида Хўжанда бўлиб ўтган тадбирлар давомида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳар йили Наврўз байрами кунлари чегара ҳудудларида қўшма концертлар ҳамда дўстлик фестивалларини ўтказишни тақдир қилди. Уша кунини давлат раҳбарлари иштирок этган қўшма концертда чегаралар энди биродарлик чи-

МУАММОЛАРГА ЕЧИМ СИФАТИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚОНУН

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилган “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси қабул қилинди ва қизгин муҳокамадан сўнг қабул қилиниб, Сенатга юборилди.

Депутат шарҳи

Айтиш керак, мазкур қонун бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга бўлиб, жамиятда ҳуқуқий тартиботни мустахкамлаш, жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини таъминлаш, ахборот маконига одоб-ахлоқ меъёрларига риоя этилишини кучайтириш, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, янги турдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактика механизмларини самарали ишлатиш ҳамда ҳуқуқий қўллаш амалиётини янада такомиллаштиришга ҳисса қўшади.



Сайдулло АЗИМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар, муҳофа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгаришлар жамиятдаги муҳим масалаларга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бу ҳақда атрофида тўхта-ладиган бўлсак, таъкидлаш жоиз, бугун ҳаётимизни интернет-соз тасаввур эти олмаимиз ва ундан турли мақсадларда фойдаланамиз. Бироқ кейинги йилларда ижтимоий тармоқларда ҳақорат, уятли сўзлар билан сўқиниш, кимнидир камситиш ёки шилқимлик қилиш ҳолатлари кўпаймоқда, сира қамайгани йўқ. Қўпчилик бунга “шунчаки гап-сўзлар” сифатида қарашади. Аслида эса, бу жамиятда хурматсизлик муҳитини яратди, инсонлар ўртасида адоватни кучайтиради. Янги қонун айнан шу муаммога ечим сифа-

тисий, у фуқароларни, айниқса, ёшларни, турли ёт гоғлар ва хавфли ҳақириқлардан ҳимоя қилади. Зеро, тинчлик ва барқарорликни асраш — барчамизнинг вазифамиз.

Яна бир муҳим жиҳат, ҳуқуқбузарликни видеога олиб тарқатиш қонунан таъқиқланади. Кузатадиган бўлсак, сўнги йилларда ижтимоий тармоқларда “кўпроқ лайк ва қўришлар” учун турли нақсоний хатти-ҳаракатларни атайлаб видеога олиш ҳолатлари кўпайди. Айримлар жанжал чиқаради, ҳақорат қилади ёки қонунни бузиб, шунинг интернетида жойлайди. Бу эса бошқаларга ёмон таъсир кўрсатади. Қонун бундай ҳолатларга қатъий чек қўяди. Эндиликда шахс нафақат ҳуқуқбузарлик содир этгани учун, балки уни видеога олиб тарқатгани учун ҳам жавобгарликка тортилади. Бу жуда муҳим қадам. Чунки қонунбузарликни “контент”га айлантириш жамиятда ҳуқуқий онгини пасайтиради. Шунинг учун ҳар бир фуқаро яхши жавобгарликни талаб этади.

Ҳозирги глобал ахборот майдонида турли видеолар ва материаллар орқали чет давлатлардаги урушлар айрим ҳолларда “қарамонлик” сифатида кўрсатилмоқда. Бу эса, айниқса, ёшлар онига салбий таъсир этиши мумкин. Чунки бундай тарғибот уларни хавфли ва нақсоний қарорлар қабул қилишга ундайди. Қонун ана шу хавфни бартараф этишга қаратилган. Эндиликда чет давлат ҳудудидаги қуролли тўқнашуларда қатнашиш тарғиботи сингдирилган материалларни тайёрлаш, тарқатиш ёки реклама қилиш мумкин эмас. Бу норма миллий ҳавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Асо-

Танқид бор — ҳақорат йўқ. Бу шунинг аниқлигини, қонун ҳеч қачон танқидни таъқиқламайди. Фуқаро давлат органлари, мансабдорлар ёки жамиятдаги муаммолар ҳақида эркин фикр билдириши мумкин. Аммо ҳақорат, сўқиниш ва камситиш — бу фикр эмас, бу ҳуқуқбузарлик. Янги норма айнан шу чизиқни аниқ белгилаб бермоқда.

Ахборот эркинлиги бор — хавфли тарғиботга йўл йўқ. Янги ҳар қим ахборот олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга. Лекин уруш, зўравонлик ёки нақсоний ҳаракатларни тарғиб қилиш эркинлик доирасига кирмайди. Чет давлатлардаги қуролли тўқнашуларда иштирок этишни тарғиб қилиш — бу нафақат шахс, балки жамият хавфсизлигига таҳдид.

Контент эркинлиги бор — қонунбузарликни “реклама” қилиш мумкин эмас. Ижтимоий тармоқларда контент яратиш эркин. Аммо қонунбузарликни видеога олиб, уни оммалаштириш эркинлик эмас, балки жавобгарликка сабаб бўладиган ҳаракатдир. Чунки бундай контент бошқаларни ҳам шу йўлга ундаши мумкин.

Шундай экан, мазкур қонун сўз эркинлигини чекламайди, аксинча, уни ҳимоя қилади. Агар жамиятда ҳақорат, зўравонлик ва тартибсизликка чек қўйилмаса, эркинлик эмас, балки бетартиблик юзага келади. Қонун фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоялаш баробарида янги турдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Сайдулло АЗИМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар, муҳофа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

Гуруҳ

БИР БАЙРОҚ ОСТИДА БИРЛАШГАН ЭЛ ҳеч қачон кам бўлмайди

“Париж олимпиадасида ўзбекининг мард қизи Диёра дунёни лол қолдирди. Унинг шарафига кўтарилган Ўзбекистон байроғини кўриб кўзимдан ёш чиқиб кетди... Ҳар гал байроғимиз юксак ареналарда музаффар ҳилпирлаганда бу галабаларда бизнинг ҳам ҳиссамиз бордек, қувончимизни яшира олмаймиз”.



Бу — Ўзбекистон ва бошқа давлатлар байроқларини етказиб беришга ихтисослаштирилган Тошкент шаҳридаги “Аъло, омад, ривож” масъулияти чекланган жамият раҳбари Махфур Қодировнинг дил сўзлари.

Байроқ миллий ўзлигини аниқлашнинг энг юксак ифодаси, — дейди тадбиркор. — Диёра Келдиёрова, Баҳодир Жалолов, Ҳасанбой Дўсмутов каби спортчиларимиз ёки турма жамоасини футболчилари галабага эришар экан, қувончини байроғимизни осмонга кўтариб нишонлайди. Чунки байроқ — шаън, гуруҳ ва ифтихоримиз рамзи. У элни, юртни, турли миллатларни бирлаштиради. Бу бирлик Ватандир. Бир байроқ остида бирилашган эл ҳеч қачон кам бўлмайди. Биласизми, байроқ тикаётган ишчиларимиз юз-қўзида Ватанга дахлдорлик туйғусини кўрамай. Ватани севмай, унинг рамзларини кўз қора-

Корхонада нафақат юртимиз, балки хорижий давлатлар байроқларини тикиш борасида ҳам катта тажриба тўпланган. Айни пайтда бу ерда буюртма асосида жаҳоннинг 140 та давлати ва қатор халқаро ташкилотларнинг байроқлари ишлаб чиқарилаётди.

— Корхонамиз чеварлари БАА, Саудия Арабистони, Америка Қўшма Штатлари, Венгрия, Озарбайжон, Россия Федерацияси ва бошқа қатор давлатлар байроқларини ишлаб чиқариш борасида махсус ўқув курсларида таҳсил олган, — дейди Махфур Қодиров. — Асосийси, фаолиятимизда замонавий ва энг сўнгги технологиялардан фойдаланамиз. Шу боис махсулотларимиз жаҳон стандартларига тўла жавоб беради.

Бугун Ўзбекистон байроғи кириб бормаган мамлакат қолмаган. Хатто ҳамюртимиз Саид Тўлаганов 2017 йилда Европадаги энг баланд тоғ чўққиси — Эльбурсга (5542 метр) мамлакатимиз байроғини қадаган бўлса, ўзбекистонлик альпинист Сергей Денисенко 2021 йил 1 июнда сайёрамизнинг энг баланд нуқтаси — Эверест (8848 метр) чўққисига Ватанимиз байроғини ўрнатди, бу биз учун юксак шарафдир. Бинобарин, Ўзбекистон байроқлари Ер шарини бўйлаб ҳилпираб, Ватанимизнинг муқтақил ва овоз эканини олам аро намойён этмоқда.

Махфур Қодировнинг миллий гуруримиз ва давлатимизнинг буюк рамзи бўлган байроқ ишлаб чиқаришдаги меҳнати юксак эътироф этилиб, давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. Бугун унинг кўксини “Меҳнат шухрати” ордени ва “Шухрат медали” беэаб турибди.

Фахриддин БОЗОРОВ (Халқ сўзи) Ажмал МУҲАММАДОВ олган сурат.

Яшилликнинг бетакрор тараннуми

Юртимизда кўлам нафаси уфуриб турган айни кунларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан яна бир хайрли ишга қўл урилди.

Президентимизнинг "2026 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳрида ташкил этилган Касаба уюшмалари боғида кенг кўламдаги кўчат экиш акцияси ҳамда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари ўтказилди.

Биз ва табиат

Айтиш жоизки, 5,5 гектарли ушбу боғда 46 250 туп дароҳ ва гул кўчатлари экилган бўлиб, уларнинг ҳар бири тегишли тартибда парваришлана келинапти. Утган қисқа вақт ичида боғ ҳудудига янги ниҳолларни ўтказиш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида заранг, шумтол, сакура, каштан дароҳлари, шу билан бирга, бутасимон ўсимликлар ҳам гуркураб ривожланаётган. Шу тариқа қисқа вақт ичида кенг майдонда инсон кўзини яшатиб, дилларга ором берувчи яхлит гўзал манзара ҳосил қилиниб, яшилликнинг бетакрор симфонияси яратилди. Боғ замонавий деворлар билан ўралиб, унинг атрофлари ободонлаштирилди.

Айни кўчат ўтказиш палласи бўлган шу кунларда боғни кенгайтириш мақсадида қўшимча равишда 4,7 гектар янги ер майдони олиниб, Касаба уюшмалари боғи майдони 10,2 гектарга етказилди.

Авалло, пухта тайёрланган лойиҳага кўра, тегишли агротехник талаблар асосида ерга ишлов берилди. Тошлоқ ерлар текисланиб, шудгорлаш ишлари амалга оширилди, ўғитлаш ҳам эътибор марказида бўлди.

Байрам арафасида уюштирилган тадбирда мазкур боғ учун ажратилган янги ер майдонига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, унинг тасарруфидоги ташкилотлар ҳамда тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгаши мутасаддилари ва ходимлари, касаба уюшма фаоллари, шунингдек, Нурафшон шаҳри нурунийлари иштирокида 21 мингдан ортиқ мевали, манзарали ниҳоллар ҳамда гул кўчатлари ўтказилди.

— "Яшил макон" умумий лойиҳаси янада кенг қўл очиб, юртимиз бўйлаб боғу бўстонлар кўпайишига хизмат қилмоқда, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хиз-



мати раҳбари Муҳаббат Ўрмонбекова. — Биргина Касаба уюшмалари боғида ташкил этилган тадбирда ҳам атроф-муҳит мусаффолигига ҳисса қўшувчи яшиллик олами бир неча минг туп дароҳлар ҳисобига янада кенгайди. Ҳадемай, ушбу боғ нафақат Нурафшон шаҳри, балки бутун юртимиз кўркам бағишловчи масканга айланишига шак-шубҳа йўқ.

Таъкидлаш ўринлики, кўчат экиб, боғ яратиш шунчаки мавсумий иш эмас, балки инсоннинг ҳаётига ҳақиқий барака киритадиган эзгу амалдир. Сўзимизнинг ис-

боти сифатида ўтган йили Касаба уюшмалари боғидан самарали фойдаланган ҳолда 1 гектар майдонга мош, ловия, ковок каби экинлар экилиб, олинган ҳосил аҳоли дастурхонига, хусусан, кам таъминланган оилаларга тортиқ қилинганини келтириб ўтиш мумкин. Бундан ташқари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан барпо этилаётган янги санаторий ва болалар соғломлаштириш оромгоҳларига ҳам замонавий усулларда дароҳ ва гул кўчатлари етказиб берилмоқда.

Яна бир жиҳат. Боғнинг янги

қўшилган ер майдонида экилган ниҳолларнинг келгусида гуркураб яшнаши учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан дароҳ ва гул кўчатларини томчилатиб сугориш технологияси жорий этилмоқда. Мақсад — барча ниҳолни ўз вақтида сув билан таъминлаш. Боққа ўтказилган кўчатларнинг сугориш тизимлари, вегетация ҳамда кўкариш жараёнлари назорати эса малакали агроном ва мутахассислар назоратида.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар

ТАФСИЛОТЛАР

Ўзбекистонда илк АЭС майдончасида дастлабки бетон ишлари бошланди

“Ўзатом” ва “Росатом” узоқ муддатли ҳамкорлик ва лойиҳани ривожлантириш бўйича асосий ҳужжатларни имзолади.

Курилиш “RITM-200N” реакторига эга кичик қувватли энергоблок реактори учун асос тайёрлашдан бошланди.

Мазкур лойиҳа комбинацияланган турдаги замонавий атом электр станциясини яратишни назарда tutади:

— “VER-1000” реакторларига эга иккита энергоблок; — “RITM-200N” реакторларига эга иккита энергоблок. Маълумотларга кўра, ушбу станция ишга туширилгандан сўнг мамлакатимизнинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжининг 15 фоиздан зиёдини таъминлайди.



Тошкентдан Нурафшонгача «BRT» — экпрессе автобус йўлаги қурилади

Пойтахтимиздаги Қўйлиқ бозоридан Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳри марказигача 23 километрлик янги йўл инфратузилмаси қурилади. Бу борада халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг тегишли лойиҳа концепцияси маъқулланди.

Инфратузилма аънавий автомобиль йўли, “BRT” (тезкор автобус йўлаги), пиёдалар йўлаклари, 9 та бекат, йўлтуқазгичлар, ер ости йўллари ва кўприкларни қамраб олади. Қарийб 120 млн. долларлик лойиҳани халқаро молиявий ташкилотлар маблағлари ҳисобидан амалга ошириш кўзда тутилган. Қурилиш ишлари 2028 йилда якунланиши режалаштирилган.

Лойиҳага кўра, йўл олти тасмали қилиб қурилади, автобуслар йўлаги йўл ўртасида жойлашди, бекатларга кириб-чиқиб хавфсиз ташкил этилади.



«Тоза ҳаво» миллий лойиҳаси ишлаб чиқилди

Ўзбекистонда ҳаво ифлосланишини камайтириш бўйича “Тоза ҳаво” миллий лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мазкур лойиҳа 2030 йилгача атмосферага чиқариладиган зарарли моддалар ҳажмини қисқартириш, sanoat корхоналарида филтър ва автоматик мониторинг тизимларини жорий қилиш, шунингдек, транспортдан чиқадиган чиқиндиларни камайтиришни назарда tutади.

Таҳлилларга кўра, Тошкент, Навоий, Фарғона, Чирчиқ ва Термиз шаҳарларида ҳаво ифлосланиши мезърдан юқори экани қайд этилган. Шу боис sanoat объектида мажбурий мониторинг постлари ўрнатилиб, маълумотлар ягона геоахборот тизимига уланади.


Шунингдек, қурилиш соҳасида ҳам экологик талаблар кучайтирилиши, шаҳарларда “яшил йўлақлар”ни сақлаш ва экологик экспертиза талабларини мажбурий тартибда йўлга қўйиш тақлиф этилмоқда.

«AvtoRaqam» иловасининг афзаллиги нимада?

Давлат рақам белгиларини танлаш ва сотиб олиш учун янги «AvtoRaqam» иловаси ишга туширилди.

ИИВ Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматидан маълум қилишларича, чиройли комбинацияга эга давлат рақам белгиларини фақатгина «AvtoRaqam» иловаси орқали, оддий давлат рақам белгиларини эса “Random” тасодифий танлаш йўли билан харид қилиш мумкин.

Ҳар иккала ҳолатда ҳам инсон омилли чекланган бўлиб, давлат рақам белгилари электрон дастурлар орқали берилди.



«Халқ сўзи».

“Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари жамоаси таҳририятнинг собиқ ходими Алишер Отабоевга отаси, Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрсатган журналист, таникли адабиётшунос ва таржимон

Аҳмад ОТАБОЕВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Омилкорлик

Хонадонда ноёб гуллар парвариши

Қувасой шаҳрининг “Валик” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Шаҳбоз Эркинов мўъжазгина иссиқхонасида чет элдан олиб келинган 100 турдан ортиқ анвойи гулларни парваришлаб, яхшигина даромад олмақда.



Ёш тадбиркор бир неча йил меҳнат муҳожир сифатида хорижда ишлади. Юртимизда яратилган шароитлардан руҳланиб, оиласи бағрига қайтди ва бизнесини бошлади. Ижтимоий тармоқда ўз саҳифасини очиб, гулчиликда жаҳон тажрибаси ва илғор усулларни ҳам ўрганиб бормоқда.

— Иссиқхонадаги алоҳида лабораторияда ушбу гулларни маҳаллий иқлим шароитига мослаштириш бўйича илмий-амалий тажрибалар олиб бораман, — дейди Шаҳбоз. — Бундан кўзланган мақсад — бир ва кўп йиллик гул навлари етиштиришни кўпайтириш.

Айтиш жоизки, замонавий интенсиф иссиқхонада йил давомида етиштирилаётган, жаҳон бозорига харидорлар гуллар буюртма асосида мамлакатимиз бўйлаб харидорларга етказиб берилмоқда.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

БЎЛАЖАК ЧЕМПИОНЛАР МАКТАБИ

Бўстонлик туманидаги Соғлиқ маҳалласида Олимпиада чемпиони, уч карра жаҳон чемпиони Акбар Жўраев номи билан аталувчи оғир атлетика спорт мактаби очилди.

Имконият

Ушбу мажмуа Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси томонидан 25 млрд. сўм маблағ эвазига бунёд этилди. Замонавий лойиҳа асосида қурилган спорт мактаби ҳудудига ётоқхона ва ошона, министадион, сауна, оғир атлетика зали, ўқув хоналари, ёпиқ турдаги бассейн, шунингдек, мураббийлар учун алоҳида хизмат хоналари мавжуд.

— Акбар Жўраев номидаги спорт мактабининг очилиши рамазий маънога эга. Чунки у ўзининг матонати, куч-ғайрати ва эришган юксак натижалари билан нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон спорти тарихида муносиб ўрин эгаллаган спортчи



ҳисобланади. Бу ёшлар учун катта мотивация мактаби, ҳақиқий чемпионлар етиштириш чикадиган маскан



бўлиши, шубҳасиз, — дейди Тошкент вилояти Спорт бошқармаси масъул ходими Дилрабо Жуманова.

Мазкур муассаса ёшларни спортга кенг жалб этиш, иқтидорли спортчиларни саралаб олиш, уларни профессионал даражада тайёрлаш ҳамда юртимиз шаънини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қиладиган чем-

пионларни тарбиялашда муҳим ўрин тутди.

Бундай замонавий спорт иншоотлари ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришга ҳам хизмат қилиши билан катта аҳамиятга эга.

Отабек ИСРОИЛОВ
(«Халқ сўзи»).

НОМОФОБИЯ — ТЕЛЕФОНГА ҚАРАМЛИК

Телефонга қарамлик — XXI аср эпидемияси, дея тан олинмоқда. Тиббиётда бу “номофобия касаллиги” деб ташхисланади. Яъни номофобия телефонга қарамлик, ундан айрилиб қолишдан кўрқув ҳисси пайдо бўлиши билан кечеди ва бу ҳозирда кўпроқ болалар ва ўсмирларда учрамоқда.

Таассуф

...Автобуста кетаётгани, чамаси беш-олти ёшли боланинг онасига хархашаси эътиборимизни тортиди. Нуқул аясининг сумкасига қўл чўзар, аёл эса уни овуттиш илжинида хижолат. Ниҳоят, бола ниҳоятга етди чоғи, сумкадан олинган уяли телефон қўлига тегар-тегмас тинчиди-қолди. Ва... шаҳардан туман марказигача бўлган бир соатлик йўл давомида ундан кўзини узмади.

— Бугунги болаларнинг тили “сотка” деб аталадиган шу матоҳ билан чиқяпти, — деди бу ҳолатни кузатиб турган ҳамроҳимиз, ғиждувонлик педагог Шухратжон Ғаниев. — Ваҳоланки, эртага мактаб ёшига етган, бундай боланинг ўй-хаёли китобда эмас, телефонда бўлиши аниқ. Китоб мутлоаси хали мияси мўрт болани фикрлашга ўргатади, оқ-қорани танитади. Билимига билим қўшади. Қўл телефони-чи? У бор жойда боланинг диққати чалғийди: дарсларни ўзлаштиришга ҳалақат беради. Ижтимоий тармоқларга ипсиз боғланиб қолган, миясини керак-нокерак ахборотлар билан тўлдирётган боланинг маънавияти қандай бўлади? Унинг инсон руҳий саломатлигига жиддий таъсири ҳақида-ку гапирмасак ҳам кўпчилик билади.

Муаллимнинг хавотирида жон бор. Афсуски, айримлар “Кулоғим тинч бўлсин”, “Хархаша қилмасин”, “Асабимга тегмасин” деган важлар билан ҳали эндигина тили чиққан боласига ҳам қўл телефони бериб қўймоқда. Оқибатда ҳажжи ўғил-қизлар қўлида “сотка” бўлмаса, бир нарса-

сини йўқотиб қўйган каби ўзини кўярга жой топпайдиган ҳолатга тушмоқда. Тажанг ва серхархаша, “қилма-қўйма”ни билмайдиган бўлиб ўсапти.

У ва бошқа электрон экранларнинг бола соғлигига, дейлик, мия ривожига, руҳий саломатлигига жиддий зиён етказиши ҳам бор гап.

— Сўнги йилларда ёш болалар орасида телефон, планшет ва бошқа электрон қурилмалардан ҳуда-беҳуда фойдаланиш ҳолатлари кескин ортиб бормоқда, — дейди Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиали офтальмолог Шерзод Чўлиев. — Бу ҳолат кўзга салбий таъсир кўрсатиб, қатор касалликларнинг ривожланишига сабаб бўляпти. Астеноя, яъни кўз чарчаси, кўриш қобилиятининг пасайиши, миопия, яъни қуруқ кўз синдроми, бош оғриғи, диққатнинг сусайиши шулар жумласидан. Эcranга узоқ муддат тикилиб туриш бола кўзида кўриш нуқсонини юзага келтиради.

Хўш, бундай ҳолатда ота-оналар қандай йўл тутмоғи керак? Қандай қилиб фарзандларини те-



лефонга қарамликдан қутқаришлари мумкин?

Авалло, болаларнинг экран олдида ўтириш вақтини чеклаш, ҳар 20 — 30 дақиқада кўзини дам олдириш, масофани тўғри сақлаш, ёруғлик даражасига риоя этиш ҳамда уларни очик ҳавода кўпроқ ҳаракат қилишга ундаш керак. Дам олиш кунлари биргалликда сайрлар уюштириш ва бошқа қизиқарли машғулотларга йўналтириш... Унутманг, профилактика мақсадида офтальмолог кўригидан мунтазам ўтиб туриш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бугун асарият психологлар ижтимоий тармоқларнинг ёш бола онгу шуурига тузалмас зиён етказиши эҳтимолини назарда тутиб, уларни “қўримас офат”, дея аташмоқда. Айтмоқчи, бу офат оқибатини дунёнинг ривожланган давлатлари аллақачон ўзларида ҳис этишди. Дейлик, шуни ҳисобга олган ҳолда Австралия ҳукумати 16 ёшга тўлмаганларнинг ижтимоий тармоқлардан фойдаланишига тақиқ қўйди. Шунингдек, Франция, Испания, Малайзия, Индонезия ва АҚШнинг бир қатор штатларида ўсмирларнинг ижтимоий тармоқлардан фойдаланишига чеклов қўйиш масаласи кун тартибига чиқди.

Бўёғига ҳулоса ўзингиздан.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

27 — 29 март кунлари Бухорода улоқ-қўпқари бўйича халқаро турнир ўтказилади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 342. 25 879 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; қопчибаст 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

Таҳририятга келган қўғамлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзасиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термид ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. Ўза якуни — 21.40 Топширилди — 23.20 1 2 3 4 5 6